

## АХЛОҚ ВА МАЊНАВИЯТ БИРЛИГИ ЖОМИЙ ТАЛҚИНИДА

**Тохир Равшанбекович Суннатов**

Чирчик давлат педагогика университети ўқитувчisi

E-mail: [tohirsunnatov761@gmail.com](mailto:tohirsunnatov761@gmail.com)

**Асал Назир қизи Якубова**

Чирчик давлат педагогика университети 1-курс талабаси

### АННОТАЦИЯ

Ахлоқий қарашлар ва мањнавият орқали жамиятдаги тубанликка қарши курашиш муҳим аҳамиятга эга. Ва жаҳолатга қарши маърифат билан “жавоб” бериш лозим. Бугунги кунда кўпроқ жамиятда “обрупастлик васвасаси”нинг моҳияти ва қарама-қарши дунёқарашлар шаклланишлиги ҳақида сўз боради. Буни олдини олишнинг ягона йўли бу Илм орқали амалга ошади. Ушбу мақолада тасаввуф ва унинг ахлоқий моҳияти, илмга бўлган қизиқиш ва юксак маърифатга сазовор бўлиш учун “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ...”лиги ҳақидаги қарашлар таҳлили берилган.

**Калит сўз:** Инсон, ахлоқ, мањнавият, илм, жамият, давлат, Мавлоно Абдураҳмон Жомий.

### АННОТАЦИЯ

Важно бороться с неполноценностью в обществе посредством моральных взглядов и духовности. И на невежество необходимо «ответить» просвещением. Сегодня все больше людей говорят о природе «искушения престижа» и формировании противоположных мировоззрений. Единственный способ предотвратить это – через науку. В данной статьедается анализ суфизма и его нравственной сущности, интереса к науке и взгляда о том, что «Нет спасения в мире, кроме науки...» с целью достижения высокого просвещения.

**Ключевые слова:** Человек, мораль, духовность, наука, общество, государство, Маулана Абдурахман Джами.

### КИРИШ

Бугунги шиддат билан ўтиб бораётган жамиятнинг пиллапоясидаги зиддиятлар ва уларнинг оқибатини таҳлил қилмасдан, мањнавия ва мањнавий юксалиш ҳақида сўз юритишимиз мантиқсиз кўринади. Зеро, Бир нарсани суриштириб, тагига етмоқчи бўлсак, аслидан

келамиз: асли нима эди? Асли қандай эди? Ва ҳоказо каби саволлар жавобсиз қолади.

Дунёдаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларнинг моҳияти илмсизликка бориб тақалади. Турли диний тортишувларнинг моҳиятида ҳам айнан илмсизлик туради.

Шунинг учун, биз маънавий юксалиш ҳақида гапирганимизда унинг “Асл”ни нима ташкил этишлиги ва бу “Асл”лик қандай шакилланишилиги ҳамда унга қарши бўлган “бузғунчи ғоялар”ни қандай бартараф этиш кераклиги ҳақида ўзимизнинг мустақил фикримиз бўлсагина “Асл маънавият ва маънавий юксалиш ривожи” ҳақида фикр юрита оламиз.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги даврда буюк мутафаккирлар ижодини ўрганиш масаласини фалсафий – ирфоний, илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш улкан назарий ва ҳам амалий аҳамиятга молик масалардан ҳисобланади. Чунончи, “Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса, бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки, уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илм – у фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ранг – баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир”, деб таъкидлаган эди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич. Мамлакатимизнинг бугунги салоҳияти, эртанги қуни ва шу билан бирга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун айнан шундай мутафаккир – алломаларимизнинг меросини, ундаги маънавий саводхонлик мезонлари билан бирга толерантлик ғояларини шакллантириб боришлигимиз зарур.

Бутун жаҳон майдони узра жамият(лар)ни “дастаксиз тур”га қўтаришга ўриниб турган бугунги “жун тўқимачилар дастгоҳи”нинг маҳсули сифатида турли ёт ғоялар атрофини безашга ўринишлар ҳеч биримизга сир эмас албатта. Бундай таҳликали ва сермашаққат давр талабларини бажаришга бел боғлаган ҳар биримизнинг ўз олдимизга қўйган мақсад ва муддаоларимиз мавжуд. бизнинг асл м ақсадимиз эса худди ана шундай bemazagarchiliklarغا чек қўйишга ўз ҳиссамизни қўшиш. Камтарона ўринишларимиз самараси улароқ ўтмишда ўтган алломаларимиз илмий меросини шунчаки “дастакка нақш солиши” каби эмас, балки, бундай илмий меросларнинг туб моҳиятини таҳлил қилиб, ёш авлодга маънавий озуқа сифатида маърифат ўргатиш вазифасини танладек! Зоро, маънавий юксалишжараёнда улуғ мутафаккир зотларнинг илмий

меросини таҳлил этмасдан туриб жамият тараққиётини таъминлаш душвор масала эканлигини ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади.

Хозирги дунё ҳамжамияти бирлашиб бутун “Бир макон – бир йўл” атрофида ўз мақсад ва муддаоларини минтақалараро тинчликни таъминлаш, диний бағрикенглик тенденциясини шакллантириш каби муҳим масалалар атрофига йигилар экан, айнан маънавий саводхонлик ва маърифат масаласини ҳам муҳим эканлигини атрофлича муҳокама қилмасдан қўймайдилар. Бугунги шиддат билан ўтиб бораётган глобал шароитда турли қарама – қаршиликлар, маънавий ва ахлоқий қадриятларга зид ҳолда турли қўринишдаги таҳдидлар, миллатлараро зиддиятлар, турли “диний тортишувлар”, минтақавий можаролар ва нифоқлар кучайиб бораётган бир даврни бошимиздан ўтказмоқдамиз.

Ахлоқ ва маънавият борасида мутафаккирлар илмий меросида, жумладан, Жомийнинг “Баҳористон” асарида “Инсон омили”га таъриф берар экан, инсон камолотининг кўплаб мезонлариини бирма-бир ёритишга ўринади ва маълум маънода ёритиб берганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, Жомий “Инсон омили”ни гавдалантирар экан, инсонни шахс сифатида улғайтиш – тарбиялашда моддий омиллар билан бирга маънавий омилларнинг роли ҳам бекиёс эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Абдураҳмон Жомий асарларида “Инсон омили”га қаратилган эътибор ва унинг тарбиясига оид маънавий-ахлоқий сифатлар ҳар томонлама асосланган ҳолда баён этилган бўлиб, бугунги мамлакатимизнинг бош муддаоси бўлмиш “Комил инсон” тарбиясини амалга ошириш учун катта аҳамият қасб этишлиги шубҳасиз.

Абдураҳмон Жомий ўзининг машҳур “Силсилатуззахаб” (“Олтин тизмалар”) номли достонидаги бобларга эътибор берадиган бўлсақ, “Севимли азиз фарзандимга насиҳат” бобининг ўзида, бугунги куннинг муҳим “зарурият”ларидан ҳисобланмиш тарбия – таълим масаласида, аввало биринчидан ҳар бир ёш таълим олиши зарурлиги, сабаби инсон умри жуда қисқа бўлиб, ушбу умрни беҳуда ўтказмаслигини, аммо билим олгандан сўнг унга амал қилишлигини алоҳида таъкидлайди ва амалга тадбиқ қилинмаган таълим ҳам беҳуда эканлигини уқтириб ўтаганлиги ҳар биримизга ўrnak албатта. Эътибор берадиган бўлсақ, Жомий талқинидаги панд – насиҳатлар кўпроқ Ислом ва унинг маърифатпарвар ғоялари асосида шакиллантирилган. Зоро, мусулмонларнинг диний билимлари ортиши билан ихтилофлар камайиб бораётгани ҳар биримизга кундек равшан. Бугунги кунга келиб, кишилар турли тоифа, фирмә ва ҳизбларнинг фарқига борадиган, улардан эҳтиёт бўладиган савияга эга бўлдилар. Бу хайрли

жараённинг бошланганига шукр қилишимиз ва унинг илдамлаб бориши учун астойдил интилишимиз лозим.

## ХУЛОСА

Ҳикмат шуки, маънавий юксалишлар ва ахлоқий қарашларнинг шаклланиши мукаммал йўлнинг шаклланишида намоён бўлади. Мукаммал йўл кимнингдир “манфаати”га хизмачи эмас, балки, инсониятнинг ҳаммасига тўғри йўл кўрсатувчи маёф саналиши даркор. Бу эса покиза ахлоқ ва маърифтли жамият тараққиётининг муҳим аспекти ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008 й.
2. Комилов Н. Тафаккур карвонлари (Шарқу Ғарбнинг цивилизацияйи алоқалари). – Т: “Sharq”, 2011й.
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т: “Hilol - nashr”, 2016й.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мукаммал саодат йўли. – Т: “Hilol - nashr”, 2014й.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Ихтиофлар: сабаблар ечимлар. – Т: “Hilol - nashr”, 2016 й.
6. Ўткир Ҳошимов. Дунёнинг ишлари. – Т: “O’qituvchi”, 2017 й.
7. Мирзо Абдулқодир Бедил. Команде ва Мудан. – Т: ЎзССР., 1960 й.
8. Akhatov, Lutfillo, Timur Madalimov, and Raimberdi Xaytmetov. "The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami." *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications* 2 (2020): 1-4. Web. Apr. 2020.
9. Madalimov, T., Akhatov, L., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.
10. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
11. Akhatov, Lutfullo, Timur Madalimov, Raimberdi Xaytmetov, and Farxod Ibrohimov. "A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston"." *International Journal of Current Science Research and Review* 3 (2020): 29-32. Web. Apr. 2020.